Бизнинг ота-боболаримиз авлиё эканми ёки ўз замонларида уларга хазрати Хизр назар килгон эканмиким, уларнинг даврларидаги хайру баракот, омонлик, арзончилик бизнинг замонимизда йўк. Ёки уларнинг килиб кетган ишларини ва солгон иморатларини букун биз кила олмаймиз. Хатто улардан нусха-нишона колгон катта биноларни тоза саклашдан хам ожиз коламиз. Шундан билинадирким, рахматлик ота-боболаримизда биз билмаган ва кўрмаган бирор хислат бор экан...

Хали эсимда борким, бобомнинг вактида бир мардикорнинг кунлик мехнат хакки 40 пул, хунарманд ва бориб турган овозадор бир устаники 2 танга эди. У вактда чоряк гўшт танга мири, битта нон уч пул эди. Кадок-падок деган нарса у замонда йўк эди. Бундай чатоклик тошларнинг хаммасини кофирлар чикарди. Бизлар бобомиз замонида чакмок чакиб олов ёкар эдик. У вактнинг гугурди бир турлик «жайдари» дейилган гугурд эдиким, мусулмонободдан колгон эски бакколларимизнинг дўконида хали хам тўда бўлиб ётадир.

Рахматлик отам айтар эди: Болам, хар замонда арзончилик ва фаровонлик ўшал замон подшохининг адолатига карайдир. Инсофлик, одил подшохнинг даври тинчлик ва арзончилик билан ўтадир. Хизр назар килмагон ва ё чилтоннинг аъзоси бўлмагон киши подшох бўла олмайдир. Демак, подшох бўлмокнинг бир шарти азими валий биландир.

Бобомнинг сўзларига карагонда, букунги болшевиклар хам чилтонларнинг аъзосидир! Буларга хам, албатта, хазрат Хизр назар килгондир. Шундай бўлмаса эди, булар Туркистондек азиз-авлиёларнинг юртида 7 йил хукмронлик кила оларми эди!?

Максаддан узок кетдик. Бизнинг юкоридаги сарлавхани кўйишдан максадимиз, бу маколада ота-боболаримиздан колгон тогдек биноларнинг букунги хароблик холидан бир оз дард-хасрат килиш ва шу муносабат билан осори атика комиссиясини сўкиб ўтиш эди. Лекин нима бўлдию калам кингирлик килиб бошка томонга бурулиб кетди.

Шахримиздаги эски биноларни бутун ва тоза сакдаш учун кўпдан бери осори атика комиссияси бор. Бу комиссия ойликхўрликка ва кўлига пул тушгонда уни «якдардил» хисоби билан сарф килишга хейли чечан, лекин эски биноларни ремонт килиш ва уларни тоза саклашга жуда хам мичалдир. Эшитганимизга карагонда, осори атика комиссияси шахар ўртасидаги катта биноларнинг ахлат ва одам поруси билан тўлгонини кўруб шу

фурсатдан бир мунча истифода килмокчи бўлгон. Яъни тахминан юз аробалик ахлатни мусулмон табибларига ва мадрасалар устидаги поруларни обчакор дехконларга батархи тамом сотиб, пулини ўзининг майда-чуйда килгон харажатига хисоб этишга карор килгон.

Хол шундай экан, дуо килинг, ўртоклар! Худо бошимиздан ё комиссияни кўтарсун ёки шу биноларни... Токи уларни кўрмайлик-куймайлик.

Ботурбек

«Машраб», 1924 йил, 8-сон